

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АЗИМОВ НОДИРЖОН НУРИЛЛОЕВИЧ

**ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ ЎЗБЕКИСТОН АГРОЛАНДШАФТ
ОРНИТОФАУНАСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Азимов Нодиржон Нуриллоевич

Шимоли-шарқий Ўзбекистон агроландшафт орнитофаунаси..... 3

Азимов Нодиржон Нуриллоевич

Орнитофауна агроландшафта северо-восточного Узбекистана..... 21

Azimov Nodirjon Nurilloevich

Avifauna of agrolandscapes of northeastern Uzbekistan..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АЗИМОВ НОДИРЖОН НУРИЛЛОЕВИЧ

**ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ ЎЗБЕКИСТОН АГРОЛАНДШАФТ
ОРНИТОФАУНАСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/B19 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.zoology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Кашкаров Роман Данилович биология фанлари номзоди, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Холбоев Фахриддин Раҳмонқулович биология фанлари доктори, профессор Медетов Махсетбай Жапакович биология фанлари доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Тошкент Давлат Педагогика университети

Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.B.52.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «13» сентябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б - уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65; факс: (+99871) 289-10-60; E-mail: zoology@academy.uz)

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 45 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б - уй. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2022 йил «29» август куни тарқатилди.

(2022 йил «29» августдаги 3-рақамли реестр баённомаси)

Б.Р.Холматов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

Г.С.Мирзаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

А.Э.Кучбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида қишлоқ хўжалиги ерларининг кенгайиши ҳисобига табиий ландшафтлар майдони кескин қисқариб бормоқда. Айниқса агроценозлар орнитофаунасига ҳар хил турларнинг кириб келиши ва қишлоқ хўжалиги экинларига салбий таъсири йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунга кўра, қишлоқ хўжалигига зиён келтирувчи қушлар таъсирини юмшатиш масалалари, агроценозларга «фойдали» қуш турларини жалб қилиш, ноёб ва йўқолиб кетиш ҳавфи остидаги турларни муҳофаза этиш чораларини ишлаб чиқиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Жаҳонда ёввойи ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллигини сақлаш, йўқолиб бораётган турлар популяциясини қайта тиклаш, иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ҳайвонлардан оқилона фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан қушларнинг тарқалиши, миграция йўллари, популяция сонининг динамикаси, умуртқали ҳайвонларнинг кенг тарқалган, кўп турли гуруҳларини замонавий рақамли технологиялар орқали тадқиқ этиш, қушлар популяциясининг замонавий ҳолатини баҳолаш, ҳар бир турдан самарали фойдаланиш усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ҳайвонот дунёсининг кадастрини юритиш, ноёб турларнинг популяциясини сақлаш ва қайта тиклаш, турлардан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан турлар хилма-хиллигини сақлаш мақсадида муҳофаза этиладиган ҳудудлар майдони кенгайтирилди шунингдек, регионал ва ҳалқаро аҳамиятдаги Муҳим орнитологик ҳудудлар белгиланди. Хусусан, 2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясида¹ «...биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишни таъминлаш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва кенгайтириш, табиий экологик тизимларнинг таназзулга учраш суръатларини пасайтириш, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини қайта тиклаш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан шимоли-шарқий Ўзбекистон агроландшафт орнитофаунасининг тур таркибини аниқлаш, унинг замонавий ҳолатини ўрганиш, турларнинг экин ерларига мослашиш хусусиятларини очиқ бериш, уларнинг сонини аниқлаш, мавжуд салбий таъсирлар даражасини белгилаш ва унинг кучини юмшатиш чораларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 11 июндаги 484-сон қарори.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3256-сон «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ва Зоология институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон «Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларини амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзлаштирилган минтақалар ва агроландшафтлар орнитофаунасининг тур таркиби, биологияси, экологияси ва аҳамиятига доир илмий тадқиқотлар хорижлик олимлар: R.S. Bailey (1967), K. Williamson (1967), J. Peitzmeier (1969), Л.Д. Альба (1975), С. Crabb, L. Martin (1978), L. Schifferli (1981), В.Т. Бутьев (1983), В.И. Миронов (1992), И.В. Аськеев (1998), В.А. Коровин (2004), Т.В. Свиридова ва.б (2006), В.А. Коровин (2014) томонидан олиб борилган.

МДХ мамлакатларида қушларнинг фаунаси, экологияси, аҳамияти ва муҳофазасига йўналтирилган кенг кўламдаги тадқиқотлар Н.А. Гладков (1938), А.К. Рустамов (1954, 1969, 1980), И.М. Ганя (1965), В.В. Неручев (1972), А.П. Гисцов (1976), Э.И. Гаврилов, А.П. Гисцов (1985), К.Н. Благосклонов (1991), А.Ф. Кавшарь (1966, 2002, 2019), А.Ф. Кавшарь, Е.С. Чаликова (1992), В.А. Кавшарь (2002, 2003) томонидан амалга оширилган.

Мамлакатимизда табиий ҳудудлар орнитофаунасининг тур таркибини ўрганишга доир илк тадқиқотлар XIX асрнинг иккинчи ярмида Н.А. Северцов (1873), Н.А. Смирнов (1883), Т. Pleske (1888) ва XX асрнинг биринчи ярмига қадар N. Loudon (1909), Н.А. Зарудный (1910, 1911), Д.Н. Кашкаров (1923) томонидан олиб борилган.

Табиий ҳудудларни ўзлаштириш интенсивлигининг ошганлиги сабабли, агроландшафт орнитофаунасини ўрганиш, қушларни қишлоқ-хўжалигидаги аҳамиятини баҳолашни талаб қилган. Агроландшафт қушларининг хўжалик ва иқтисодий аҳамиятини ўрганиш борасида Т. Арикина, И.И. Колесников (1927), М.Н. Серебренников (1930), Р.Н. Мекленбурцев (1950), Т.А. Павленко (1962, 1965), С.Д. Матякубов (1974, 1978), Д.Ю. Кашкаров (1974, 1987), А.Н. Аюпов (1974, 1991), А.Р. Жабборов (1984, 1988, 2006), С.Б. Бакаев (1978), Э.Ш. Шерназаров (1978), С.Б. Бакаев ва бошқ. (2000), С.Э. Фундукчиев (1986, 2008, 2009),

А.Г. Тен (2003), Е.Н. Лановенко ва бошқ. (2007, 2008), Э.Ш. Шерназаров ва бошқ. (2006), Я.И. Аметов (2009, 2010) изланишлар олиб борган.

Бироқ агроландшафт орнитофаунаси комплекс тарзда, мақсадли ўрганилмаган. Мавжуд материаллар минтақада шаклланган агроландшафт орнитофаунасининг замонавий ҳолатини акс эттирмайди. Шу муносабатдан шимоли-шарқий Ўзбекистон агроландшафт орнитофаунасининг тур таркиби, мавсумий жиҳатлари, қушларнинг қишлоқ хўжалигидаги ўрни, аҳамияти, антропоген омилларнинг турларга таъсирини ўрганиш, агроландшафтда учровчи ноёб ва йўқолиб бораётган қушларни муҳофаза қилишга доир амалий тавсияларни ишлаб чиқиб, амалиётга тадбиқ этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Зоология институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-А7-Т009 «Ўзбекистоннинг ҳозирги шароитида умуртқали ҳайвонларни сақлаш ва барқарор фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида уларга таъсир этувчи салбий таъсирларни баҳолаш» (2015-2017 йй), ПЗ-20171023118 «Айрим майда япалоққушлар турлари популяцияси ҳолатини баҳолаш ва улардан барқарор фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш» (2018-2019 йй) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Шимоли-шарқий Ўзбекистон агроландшафт орнитофаунасининг замонавий ҳолатини аниқлаш, агроценозлар орнитофаунаси компонентларига антропоген омиллар таъсирини юмшатишга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шимоли-шарқий Ўзбекистон агроландшафт қушларининг тур таркибини ўрганиш ва уларни турли агроценозлар кесимида тақсимланишини аниқлаш;

кўп сонда учровчи турларнинг экологик ва биологик хусусиятларини очиб бериш;

қушларнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамиятини баҳолаш;

ноёб ва йўқолиб бораётган қуш турларининг агроценозлар бўйича мавсумий тақсимланишини таҳлил қилиш;

муаммоли турлар сонини бошқариш орқали қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етказилишининг олдини олиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида шимоли-шарқий Ўзбекистон агроландшафт минтақасида учровчи қушлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини агроландшафтда учровчи қушларнинг хилма-хиллиги, экологияси, агроценозларда тақсимланиши, сони, иқтисодий аҳамияти ва муҳофазаси ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда зоологик, орнитологик, морфологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор шимоли-шарқий Ўзбекистон агроландшафт орнитофаунасининг замонавий ҳолати таҳлил қилиниб, 239 тур куш, жумладан, ғўза агроценозларида 85 тур, буғдой агроценозида 150 тур, мевали боғларда 132 тур, лалми бедазорларда 101 тур, узумзорларда 107 тур учраши аниқланган;

ирригация тармоқларининг турли элементларида 38 турнинг учраши, кушларнинг мавсумий тақсимланиши ва сони аниқланган;

тадқиқот худудида ҳаққуш (*Nycticorax nycticorax*) ва кулоқдор япалоққуш (*Asio otus*)нинг уялаши, текислик минтақасида гўнг қарға (*Corvus frugilegus*)нинг янги уя колониялари илк бор аниқланган;

шимоли-шарқий Ўзбекистонда қирғийсимон бургут (*Hieraaetus fasciatus*), тарғоқ (*Chettusia gregaria*), тоғ дупели (*Gallinago solitaria*), клинтух (*Columba oenas*), оқ қошли шақшақ (*Turdus iliacus*), кичик пашшахўр (*Ficedula parva*), уй чумчуғи (*Passer domesticus*), узункуйруқ снегеръ (*Uragus sibiricus*), ремез деҳқончумчуғи (*Ocyris rusticus*) каби кам сонда учровчи турларнинг тарқалишига доир ҳамда тадқиқот худуди учун 22 турнинг учраш хусусиятига доир янги маълумотлар очиб берилган;

иктисодий аҳамиятга эга бўлган, ноёб ва йўқолиб бораётган турларнинг агроландшафтда учраш даврлари ва сони аниқланган;

турли экологик гуруҳларга мансуб, ўтроқ, уяловчи, мигрант ва қишлоқчи хусусиятдаги турларни агроценозлардаги аҳамияти очиб берилган;

кушларнинг яшаш жойи сифатида агроландшафт билан ўзаро боғлиқлиги ўрганилган, уларга ҳавф солувчи омиллар таъсир даражасини юмшатиш ҳамда турларни муҳофаза қилишга доир амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳашаротхўр кушларни агроценозларда яшашига имкониятлар яратиш орқали уларни жалб қилиш ёрдамида, қишлоқ хўжалиги экинларининг зараркунандаларига қарши курашиш усуллари очиб берилган;

қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилига зарар келтирувчи оммавий турдаги кушлар сонини бошқаришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган;

турли кўринишдаги антропоген таъсирлардан кушларнинг нобуд бўлиш ҳолатларини бартараф этишга қаратилган, тавсиялар таклиф қилинган;

тадқиқот натижаларидан орнитология, биология каби фанларни ўқитишда, турларни муҳофаза қилиш ҳамда давлат кадастрини тузишда ва қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши биологик кураш соҳасида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг анъанавий зоологик, орнитологик усул ва ёндашувлар асосида олинганлигини тасдиқлайди; замонавий дастурлар ёрдамида олинган назарий хулосалар, етакчи нашрларда чоп этилган; амалий натижалар ваколатли давлат ташкилотлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шимоли-шарқий Ўзбекистон агроландшафт орнитофаунаси замонавий ҳолатининг тўлиқ таҳлил қилинганлиги яъни, турлар таркиби, мавсумий тақсимланиши, сони ва куш турларининг аҳамияти, шунингдек, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларнинг учрашига доир янги маълумотлар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қишлоқ хўжалигида қушларнинг аҳамиятини баҳолаш, маданий экинлар ҳосилига зарар келтирувчи оммавий турлар сонини бошқариш, агроландшафтда учровчи ноёб ва йўқолиб бораётган турларни муҳофаза қилишга доир тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шимоли-шарқий Ўзбекистон агроландшафт орнитофаунаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Шимоли-шарқий Ўзбекистон агроландшафт орнитофаунаси таркибидаги 5 туркумга мансуб 13 турдан иборат қушларнинг намуналари «Зоология коллекцияси» ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 9 февралдаги 4/1255-419-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар орнитологик коллекция фондини бойитган ва Ўзбекистонда қуш турлари хилма-хиллигини аниқлаш ҳамда турларни систематик таҳлил қилиш имкони берган;

турли агроценозлар ҳамда ирригация тармоқларида қайд қилинган 239 турнинг учраш даврлари, сонига доир маълумотлар ва қушларни муҳофаза қилиш юзасидан ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бош бошқармасининг таҳлил ҳамда тегишли хулосаларни чиқариш учун амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси 2021 йил 6 апрелдаги 04-02/8-1363-сон маълумотномаси). Натижада агроландшафт орнитофаунаси таркибидаги қушлар ҳолатини экологик баҳолаш, мавсумий мониторингини олиб бориш, маданий ўсимликларни етиштиришда қушларнинг аҳамиятини баҳолаш ҳамда ноёб турларни муҳофаза қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш чоп этилган. Шундан 1 та илмий-оммабоп рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ҳудудида орнитофаунанинг ўрганилганлик даражаси**» деб номланган биринчи боби икки қисмдан иборат. Унда ўрганилаётган ҳудуднинг қисқача географик тавсифи, Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг табиий ва маданий ландшафтлари орнитофаунасига доир илмий тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Табиий ерларни ўзлаштирилиши натижасида орнитофауна таркибининг ўзгариши яъни, сунъий ландшафтларда урбофоб турлар таркибининг камбағаллашиши, урбофил турлар сонининг эса ортиши натижасида ўзгача орнитофаунанинг шаклланишига бағишланган изланишларнинг натижалари келтирилган.

Диссертациянинг «**Орнитофаунани ўрганиш услублари ва тадқиқот материаллари**» деб номланган иккинчи бобида агроландшафт орнитофаунасини тадқиқ қилиш бўйича йиғилган материаллар, маршрутлар ва стационар тадқиқотлар ўтказилган ҳудудлар, қўлланилган услублар ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот ишлари 2012-2021 йиллар давомида Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги агроландшафт майдонларида ўтказилган. Стационарларда 472 кун давомида дала кузатув ишлари олиб борилган. 14707 гектардан иборат турли агроценозларда жами 673 маротаба маршрут ўтказилган. Маршрутларнинг узунлиги агроценозлар хусусиятига мос равишда 300-2000 метргача, ҳисоблашда кенглик мевали боғлар ва узумзорларда 20 метр, ғўза агроценози ва буғдойзорларда 100 метрни ташкил қилган. Дала тадқиқотларини олиб бориш ва материалларни йиғишда умум қабул қилинган методлардан фойдаланилган (Новиков, 1949; Благосклонов ва б. 1952; Рогачев, 1963; Челинцев, 1985; Бибби ва бошқ. 2000).

Агроландшафтни кесиб ўтган йўлларда автотранспортда 317 маротаба жами – 16498 км масофада ҳисоблар амалга оширилди. Қушларни суткалик фаолиги стационарларда эрталабги (соат 5 дан 9 га қадар), кундузги (соат 12 дан 15 га қадар) ва кечги (соат 17 дан 20 га қадар) вақтда амалга оширилди. Қушлар сонига доир маълумотлар 10 гектар майдон бирлигида келтирилган.

Ирригация тармоқларида гидрофил қушларнинг фаунаси уларнинг қирғоғи бўйлаб юриш орқали амалга оширилган бўлиб, ушбу турдаги яшаш жойлари бўйлаб маршрутларнинг умумий узунлиги 871 км ташкил қилган. Қушлар сони тўғрисидаги маълумотлар 1 км учун келтирилган.

Тадқиқотлар жараёнида дурбинь Viking (10x50), кузатиш трубази Viking (20x60), Canon фотоаппарати (объектив 400 мм) кабилардан фойдаланилган.

Қушларни аниқлашда қуйидаги манбалардан фойдаланилган (Гладков, Дементьев, 1964; Marcel Burkhardt, Christian Marti, Felix Tobler, 2009; Aye, Schaweizer, Roth, 2012; Рябицев, Ковшар, 2014; Lars Svensson, Killian Mullarney, Dan Zetterstrom, 2015; Рябицев, 2019). Қушларнинг таксономик рўйхати Е.А. Коблик, В.Ю. Архипов (2014) бўйича келтириди. Қушлар сонига доир барча тўпланган материаллар MS Excel дастурида қайта ишланган ва таҳлил қилинган.


Диссертациянинг «Шимоли-шарқий Ўзбекистон агроценозларида учровчи қушларнинг хилма-хиллиги, турларнинг тақсимланиши, учраш даврлари ва сони» деб номланган учинчи боби олти бўлимдан иборат. Ғўза, буғдой, беда агроценозлари, мевали боғлар ҳамда узумзорлар орнитофаунасининг мавсумий тур таркиби, қушлар сони ва учраш даврларига оид тадқиқот натижалари тақдим этилган.

Бобнинг биринчи бўлимида ғўза агроценози орнитофаунасига доир маълумотлар келтирилган. Ушбу агроценозда 14 туркум, 30 оилага мансуб 85 турнинг учраши қайд этилган.

Ғўза агроценозида апрель ойида – 83 тур, майда – 71, июнда – 44, июлда – 52, августда – 70, сентябрда – 75 ва октябрда – 36 тур қуш учратилган. Қушлар сони ойларга мос равишда ўртача 10 га майдонда 251,5, 180,6, 131, 180,3, 279,2, 253,1 ва октябрда – 152,7 тани ташкил этган.

Passeriformes туркуми вакиллари мазкур агроценозда учровчи қушларнинг – 83%, *Coraciiformes* – 6,87%, *Apodiformes* – 3,3%, *Columbiformes* – 2,3%, *Galliformes* – 1,6%, *Falconiformes* – 0,6%, *Charadriiformes* – 0,6%, *Caprimulgiformes* – 0,3%, *Strigiformes* – 0,2%, *Cuculiformes* – 0,1%, *Ciconiiformes* ва *Bucerotiformes* туркумлари – 0,07%, *Gruiformes* ҳамда *Anseriformes* туркумлари – 0,05% ташкил қилган.

Ғўза агроценозида турлар таркиби ойлар кесимида ўзгариб борган. Қушлар сони ўртача 10 гектар майдонда 131 тадан 279,2 тагача ҳисобланган (1-расм).



1 - расм. Ғўза агроценозида қушлар сонининг динамикаси (10 га майдонда ўртача)

Ушбу агроценозда қушлар озикланиши, ҳимояланиши учун имкониятлар мавжуд лекин турларни уялаши учун қулайликлар чекланган.


Бобнинг иккинчи бўлимида буғдой агроценозида қушларни учраш хусусиятлари ва сонига доир маълумотлар ёритилган.

Буғдой агроценозида 15 туркум, 40 оилага мансуб 150 тур, жумладан, куз мавсумида – 139 тур (10 гектарда 389,3 қуш), қишда – 64 тур (276,8), баҳорда – 124 тур (261,3) ва ёз давомида 58 тур (413,6) қуш учраши аниқланди.


Passeriformes туркуми вакиллари 73 тур агроценозда қайд этилган турларнинг ярмига яқин қисмини – 48,6% ни ташкил этиб, ҳисобга олинган барча қушлар сонига улуши 74,15% дан иборат. Ушбу агроценоз турли экологик гуруҳларга мансуб бўлган қушларнинг озикланиш ҳамда қишлаш жойи сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Ўсимлик вегетациясининг бошланғич даврида буғдойзорлар табиий ландшафтлар манзарасига ўхшаш бўлади. Текис дашт, яшил ўтлоқ, ботқоқликлар қиёфасини акс этиши буғдойзорлар орнитофаунасининг ўзига хос таркибини белгилайди.

Буғдой агроценози эрта баҳорги, кузги миграция ва қишлаш даврида бошқа агроценозларга нисбатан, қушлар учун қулай озикланиш ва дам олиш жойи ҳисобланади. Апрель ойидан бошлаб майса ер юзасини бутунлай қоплаб, унинг бўйи 20-30 сантиметрга етганида қушлар учун буғдойзор оралаб ҳаракатланиш, озиқа топиш, йиртқичлардан ҳимояланиш қийинлашади. Шу учун баҳорнинг охирида, ёзда қушлар хилма-хиллиги ва сонининг қисқариб бориши кузатилади. Юқоридаги сабаблар туфайли қушлар ушбу агроценоздан уя қуриш жойи сифатида фойдалана олмайди. Эрта баҳор ва куз мавсумида мигрант турларни ушбу агроценозда учраши ҳисобида турлар хилма-хиллиги ва сони ортиши кузатилади (2, 3 - расмлар).




2 - расм. Буғдой агроценозида турлар сонининг динамикаси



3 - расм. Бұғдой агроценозида қушлар сонининг мавсумий ўзгариши (10 га майдонда ўртача)

Учинчи бобнинг учинчи бўлимида мевали боғлар орнитофаунасига доир изланиш натижалари келтирилган.


Кўп йиллик дарахтзорлар агроландшафт ерларининг 6,2% ташкил қилиб, гўё турли ёшдаги тартибли ўрмон манзарасини ифодалайди. Мевали боғларда 14 туркумга доир 132 тур учратилди. Шундан қиш мавсумида – 64 тур, баҳорда – 119, ёзда – 75, кузда – 128 тур учраши қайд этилган (4-расм).



4 - расм. Мевали боғларда турлар сонининг динамикаси

Барча мавсумларда турлар таркиби жиҳатидан *Passeriformes* туркуми вакиллари доминантлик қилган.

Қиш мавсуми, декабрь ойида 10 гектарда қушлар сони ўртача 568,9, январда – 293,9 қуш ва февралда – 217,9 қуш учраши, қушлар сонининг катта диапазонда ўзгариши аниқланди. Сон жиҳатдан *Passeriformes* туркуми доминант сифатида умумий ҳисобга олинган қуш сонининг 92,1% ва турлар бўйича 67,18% (43 тур) ташкил қилган. Баҳорда қушлар сони ойлар давомида сезиларли даражада ўсиб боради: март ойида – 10 гектарда ўртача 110,5 қуш, апрелда – 150,2, майда – 157,2. Ушбу мавсумда ҳам сон жиҳатдан *Passeriformes* туркуми доминантлик қилиб, унинг улуши рўйхатга олинган қушлар умумий сонининг 63%, турлар бўйича – 65% (78 тур) ташкил қилган. Ёз мавсумининг биринчи ойи июнда қушлар хилма-хиллиги май билан таққосланганда кескин камаяди (69 тадан 44 тага), бу ҳолат июл ойида ҳам давом этади (44 тадан 40 тага). Августда мигрантлар улуши ҳисобига турлар хилма-хиллиги 1,8 маротабага, қушлар сони эса (ёш индивидлар ҳисобига) – 2,3 маротабага ортган. Кузда қушлар хилма-хиллиги ва сони катта диапазонда ўзгариб туради. Шундай қилиб, сентябрда учратилган 25 тур кейинги икки ойда учрамаган. Октябрда 20 турдаги учиб ўтувчи-қишловчи, ноябрда эса – 15 турдаги қишловчи қушларни кириб келиши кузатилган. Октябрдан бошлаб, турлар хилма-хиллиги камайишига қарамай, қушлар сони ортган. Сентябрьда қушлар сони маршрутларда 130 тадан 562 тагача (10 га майдонда ўртача 359,3), октябрда 166 тадан 565 тагача (393,4), ноябрда эса 367 тадан 748 тагача (623,7) қуш учраши аниқланган (5-расм). Кузда *Corvidae* (10 га майдонда 442,6), *Passeridae* (134,6), *Fringillidae* (129,3) ва *Turdidae* (90,5) оиласи вакиллари сони *Passeriformes* туркумининг асосий қисмини (99,2%) ташкил қилган.




5 - расм. Мевали боғларда йил кесимида қушлар сонининг ўзгариши (10 га майдонда ўртача)


Учинчи бобнинг тўртинчи бўлими беда агроценози орнитофаунасининг тур таркиби, қушларнинг учраш даврлари ва сонини ўрганишга бағишланган.

Лалми бедазорларда 11 туркум, 27 оилага мансуб 101 тур қуш учраши аниқланган. Жумладан, қишда – 51 тур, баҳорда – 84, ёзда – 58 ва кузда – 94 тур учраши кузатилган (6,7-расм).

Беда агроценозида иқтисодий аҳамиятга эга бўлган *Phasianidae*, *Scolopacidae*, *Columbidae* оиласи вакиллариининг 9 тури: *P. perdix*, *C. coturnix*, *Ph. colchicus*, *S. rusticola*, *G. solitaria*, *C. palumbus*, *C. livia*, *S. decacoto*, *S. orientalis* учраши аниқланди.



6 - расм. Беда агроценози орнитофаунасидаги туркумлар хилма-хиллиги ва турлар нисбати



7 - расм. Беда агроценозида турли мавсумларда қушлар хилма-хиллиги

Учинчи бобнинг бешинчи бўлими узумзорлар орнитофаунасини ўрганишга бағишланган. Ушбу агроценозда 14 туркумга мансуб 107 тур куш учратилган. Жумладан, қишда – 61 тур, баҳорда – 105, ёзда – 54 ва кузда – 103 тур. Қушлардан 23 турни йил давомида учраши, 30 турни – қиш ойларидан бошқа барча мавсумларда, 29 турни ёз ойларидан ташқари барча фаслларда учраши аниқланган.

Узумзорлар орнитофаунаси тур таркибининг асосий қисмини юқорида орнитофаунаси ўрганилган агроценозларда учраши аниқланган турлар ташкил этганлиги кузатилди. Турлар хилма-хиллиги ва сони бўйича узумзорлар орнитофаунасида *Passeriformes* туркуми етакчилик қилади. Туркум вакилларида *P. roseus*, *A. tristis*, *C. monedula*, *C. frugilegus*, *T. atrogularis*, *P. montanus*, *P. indicus* ва *F. coelebs* каби турлар доминант сифатида учраши аниқланди.

Учинчи бобнинг олтинчи бўлимида қушларнинг агроландшафтдаги аҳамияти ёритилган. Маданий ўсимликларни зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилишда, ҳашаротхўр қушларнинг роли ҳам катта ҳисобланади. Беда, буғдой, арпа, маккажўхори, рапс каби ўсимликларни ўриш ва ҳосилини йиғиш, ғўзага агротехник ишлов бериш жараёни *A. tristis*, *S. vulgaris*, *C. frugilegus*, *C. garrulus*, *P. pica*, *M. persicus*, *M. apiaster* ва *H. rustica* каби турларни мазкур агроценозларга жалб қилади. Агроландшафт ва унга ёндош биоценозларда учровчи 19 оилага (*Cuculidae*, *Caprimulgidae*, *Apodidae*, *Coraciidae*, *Picidae*, *Hirundidae*, *Alaudidae*, *Motacillidae*, *Lanidae*, *Oriolidae*, *Sturnidae*, *Corvidae*, *Prunellidae*, *Sylviidae*, *Muscicapidae*, *Turdidae*, *Paridae*, *Passeridae* ва *Emberizidae*) мансуб 72 тур маданий ўсимликларнинг зараркунандалари, уларнинг личинкалари ва ғумбаклари билан озиқланиб бевосита иқтисодий фойда келтиради.

Турли экологик гуруҳларга мансуб бўлсада *D. leucopterus*, *M. personata*, *C. cetti*, *S. inquieta*, *O. finschii*, *R. coronatus* ва *P. bokharensis* сингари турлар озиқа таркибининг асосий қисмини ҳашаротлар ташкил этади. Ҳашаротлар билан озиқланиб, бу турлар маданий ўсимликларнинг зарарланиш даражасини камайтиришда ва ҳосилни сақлашда ҳисса қўшади.

Озиқа таркибининг асосий қисмини ҳашаротлар ташкил этган қушларнинг бошқа бир гуруҳи – *S. vulgaris*, *A. tristis*, *P. roseus*, *P. pica*, *C. monedula* ва *C. frugilegus* маданий ўсимликлар хусусан, серёт мевалар, донли ўсимликлар ҳосилига зиён етказиши кузатилади.

Кузда лалми ерларда буғдой экилгандан сўнг, хусусан ёғингарчилик миқдори кам бўлган йилларда, кўк каптар даладаги дон билан озиқланиб, экилган уруғнинг бир қисмини йўқ қилади. Тошкент вилояти тоғ олди минтақаси Охангарон тумани ҳудудидаги лалми буғдойзорларда 2700 дан ортиқ кўк каптарларни 1,4-8,2 км масофада жойлашган қишлоқлардан озиқланиш учун учиб келиши аниқланди. Шундай ҳолат Жиззах вилояти Фориш туманидаги лалми буғдой, арпа ва махсар етиштирилдиган далаларда учратилди, қушлар 21 км радиусда жойлашган аҳоли яшаш пунктларидан озиқланиш учун учиб келиши кузатилди. Фориш туманида қиш ойларида юзлаб (163-458 қуш) ва март-апрелда минглаб (1630-2226) кўк

каптарларнинг ташрифи оқибатида 470 га далада экилган доннинг асосий қисми йўқ қилинди. Шу билан бир вақтда лалми буғдойзорларда *C. monedula*, *C. frugilegus*, *S. vulgaris*, *G. cristata*, *M. calandra* каби дон билан озикланувчи турларнинг қишлоқчи галалари учраши қайд этилди.

Ҳинд ва дала чумчуқлари озикасининг асосий қисмини дон ҳамда уруғлар ташкил қилади. Турлар кўпайиш мавсумида полапонларини аксарият ҳолларда ҳашаротлар билан озиклантириши учратилган бўлса-да, вояга етган индивидларни гилос, олча, шотут ва узумнинг эртапишар навларига шикаст етказиши аниқланди. Бундан ташқари ҳинд чумчуғи баҳорги сут пишиш даврида буғдой бошоқларидаги, кузда тариқ ва шоли бошоқларидаги донни чўқиб талофат келтириши учратилди. Бу жараён дарахтзорлар, тўқайлар ва қамиш қоплаган сув ҳавзалари, коллекторларга яқин бўлган далаларда кўп учратилиши аниқланди.

Диссертациянинг «Агроландшафт ҳудудидаги ирригация тармоқларида учровчи гидрофил қушлар» деб номланган тўртинчи боби ирригация тармоқларида учровчи қушлар тур таркиби, мавсумий тақсимланиши ва сонини ўрганишга бағишланган.

Тошкент воҳаси ирригация тармоқларида 8 туркум, 14 оилага мансуб бўлган 38 турдаги гидрофил қушларни учраши аниқланди. Учратилган қушлардан қиш мавсумида 25 тур, баҳорда 34 тур, ёз давомида 18 тур ва куз мавсумида 32 турнинг учраши маълум бўлди. Қушлардан 12 турнинг ўрганилган ирригация тармоқларида йил давомида учраши, 8 турнинг ёз ойларидан, 5 турнинг қиш ойларидан ташқари барча фаслларда учраши аниқланди. *P. carbo*, *T. totanus*, *L. minimus*, *G. solitaria* каби 4 тур қиш ва баҳорда учрайди, 3 тур – *P. haliaetus*, *P. pusilla*, *G. nilotica* мигрант сифатида баҳор ва кузда учраши аниқланди. Шунингдек, 3 тур – *P. nigricollis*, *T. ferruginea*, *S. albifrons* фақат куз фаслида, *Ch. alexandrinus* баҳор ва ёз давомида, *Ch. dubius* баҳорда ҳамда *A. querquedula* фақатгина қишда учратилди. Charadriiformes туркуми турлар хилма-хиллиги ва сони жиҳатдан қолган туркумларга нисбатан устундир.

Ирригация тармоқлари кўплаб гидрофил қушларга вақтинча тўхташ, сувдан фойдаланиш ёки озикланиш жойи сифатида хизмат қилади. Аксарият ҳолларда канал ва ариқларда сувнинг лойланиб оқиши қушларни озика топиши ва уни овлашини мураккаблаштиради. Бундан ташқари, ирригация тармоқларида қирғоқнинг кескин чуқурлашиши, сув оқимининг тезлиги ҳам қушлар учун ноқулайлик яратади. Шундай бўлсада, ушбу жойларга *A. atthis* бутунлай мослашиши ёки миграция ва қишлаш даврида 30 дан ортиқ гидрофил турларнинг учраши, ирригация тармоқларининг аҳамиятли эканлигини намоён этади. Шунингдек, суғориш тармоқларининг турфа хилдаги элементлари агроландшафтда учровчи турли экологик гуруҳларга мансуб қушларнинг сув ичиш манбаи кўринишида катта аҳамиятга эга. Бироқ ирригация тармоқлари орнитофаунаси таркиби ва қушлар зичлиги дарёлар ва кўллар орнитофаунасига нисбатан ҳар доим камбағал бўлади.

Табиий ҳолатдаги сув-ботқоқ ҳудудлари билан таққосланганда ирригация тармоқларида гидрофил қушлар учун мавжуд озиқа захираси, уялаш жойлари ва ҳимояланиш имкониятлари чегараланган.

Диссертациянинг «Агроландшафтларнинг ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлар муҳофазасидаги ўрни» деб номланган бешинчи бобида ноёб ва йўқолиб бораётган қуш турларининг хилма-хиллиги, уларнинг агроценозларда учраш даврлари ва сони, антропоген омилларнинг таъсирига бағишланган.

Ноёб ва йўқолиб бораётган қушлар сонининг камайиб кетишига асосий сабаб турли антропоген омиллар таъсири эканлигига қарамай, шимоли-шарқий Ўзбекистон агроландшафт ҳудудида олиб борилган тадқиқотларимиз жараёнида 7 туркум, 12 оилага мансуб 27 турдаги ноёб ва йўқолиб бораётган қушларни учраши аниқланди. Шундан, 25 тур миллий Қизил китобга, 16 тур Халқаро Қизил рўйхатга (IUCN), 14 тур CITES Иловаларига киритилган. Учратилган қушлардан 8 тур – *P. pygmeus*, *C. ciconia*, *F. peregrinus*, *P. haliaetus*, *C. macrourus*, *A. nipalensis*, *V. vanellus*, *S. turtur* ўрганилган ҳар учала вилоятда учратилди. 6 тур – *F. cherrug*, *F. pelegrinoides*, *N. percnopterus*, *C. gallicus*, *H. pennatus*, *T. iliacus* Тошкент ва Жиззах вилоятларида учратилди. 2 тур – *L. limosa*, *N. arquata* Тошкент ва Сирдарё вилоятларида қайд этилди. 1 тур – *T. tetrah* Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятида учраши аниқланди. Қушлардан 5 тур – *A. nyroca*, *F. naumanni*, *A. monachus*, *G. barbatus*, *H. fasciatus* фақат Тошкент вилояти ҳудудида, 4 тур – *P. falcinellus*, *A. erythropus*, *H. albicilla*, *Ch. gregaria* Сирдарё вилоятида ва 1 тур – *O. tarda* Жиззах вилоятида учраши аниқланди.

Олинган маълумотлар ноёб ва йўқолиб бораётган турлар биологик хусусиятига боғлиқ ҳолда асосан миграция ва қишлаш мавсумида агроландшафт ҳудудига кириб келиши ёки тўхталиб ўтишини кўрсатди.

ХУЛОСАЛАР

«Шимоли-шарқий Ўзбекистон агроландшафт орнитофаунаси» мавзусида биология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Табиий экотизимларнинг агроландшафтга айлантирилиши ушбу экотизимларга хос бўлган қуш турлари ва улар ареалининг қисқаришига олиб келади, синантроп ҳамда урбофил турларнинг тарқалишига шароит яратиши изоҳланган.

2. Шимоли-шарқий Ўзбекистон агроландшафтида қушларнинг 18 туркум, 50 оилага мансуб, 239 тури учраши аниқланди. Шундан ғўза агроценозларида – 85 тур, буғдой агроценозида – 150 тур, мевали боғларда – 132 тур, лалми бедазорларда – 101 тур, узумзорларда – 107 тур ва ирригация тармоқларида – 38 тур қушларнинг учраши қайд қилинди.

3. Агроценозлар орнитофаунаси таркибида Passeriformes туркуми турлар хилма-хиллиги бўйича доминант ҳисобланиб: ғўза агроценозида туркумга доир 57 тур (барча турларнинг 67%), буғдой агроценозида 77 тур

(51,3%), мевали боғларда 89 тур (66,9%), беда агроценозида 65 тур (64,3%) ва узумзорларда 70 турни (65,4%) ташкил этади.

4. Ўрганилган агроценозлар ичида мевали боғлар дендрофил турларнинг учиб ўтиш, қишлаш ва кўпайиш даврида муҳим аҳамиятга эга эканлиги очиб берилди. Бу агроценозда қишда – 63, баҳорда – 119, ёзда – 75 ва кузда – 127 тур қуш учраши қайд қилинди.

5. Агрорландшафтда аксарият турларнинг кўпайиши учун ноқулайликларнинг мавжудлиги, бу ерда мунтазам амалга ошириладиган агротехник тадбирлар билан боғлиқлиги ифодаланди.

6. Қушларнинг агрорландшафтда тақсимланиши турларнинг ҳаётий цикллари ҳамда агроценознинг экологик хусусиятларига боғлиқ равишда ўзгариши аниқланди.

7. Ирригация тармоқлари орнитофаунасининг тур таркиби ва қушлар сони табиий сув-ботқоқ экотизимлари орнитофаунасига нисбатан ҳар доим камбағал бўлишига қарамасдан, агрорландшафтнинг ушбу элементи ҳудудда учровчи аксарият қуш турларининг сув ичиш, тунаш, озикланиш, ҳимояланиш жойлари сифатида муҳим рол ўйнайди.

8. Шимоли-шарқий Ўзбекистоннинг агрорландшафт ҳудудида 7 туркум, 12 оилага мансуб 27 турдаги ноёб ва йўқолиб бораётган қуш турларининг учраши аниқланди. Улардан 25 тури миллий Қизил китобга, 16 тури Халқаро Қизил рўйхатга (IUCN), 14 тури CITES Иловаларига киритилган.

9. Агрорландшафтда қайд этилган 9 турдаги ҳашаротхўр, 6 турдаги миофаг, 4 турдаги полифаг қушларни, бегона ўсимликлар уруғи билан озикланиб улар миқдорини камайтиришда, зараркунанда ҳашаротлар, кемирувчилар ва қушлар сонини бошқаришда фойдали тур сифатида, 5 турдаги донхўр қушлар эса қишлоқ-хўжалиги экинлари ва боғдорчиликка қисман зиён келтириши тавсифлаб берилди.

10. *Ciconia ciconia*, *Columba livia*, *Alcedo atthis*, *Calandrella brachydactyla*, *Motacilla cinerea* каби 5 турни агрорландшафт шароитида ўтроқ яшашни бошлаганлиги, *Coturnix coturnix*, *Nycticorax nycticorax*, *Hieraaetus pennatus*, *Motacilla personata* сингари 4 тур кам сонда қишлашда учраётганлиги аниқланди. Шунингдек, *Carduelis carduelis*, *Uragus sibiricus* ва *Ocyris rusticus* сингари турларни миграция ва қишлашда кам сонда учраётганлиги глобал иссиқ жараёни билан боғлиқлиги изоҳланади.

11. Келгусида агрорландшафт майдонининг кенгайиши, маданий ўсимликларнинг янги навларини келтирилиши муносабати билан янги типдаги агроценозлар шаклланиши, амалга ошириладиган агротехник тадбирларнинг интенсивлашуви, агрорландшафт орнитофаунасининг таркиби ва турлар сонининг ўзгаришига олиб келади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ**

ИНСТИТУТ ЗООЛОГИИ

АЗИМОВ НОДИРЖОН НУРИЛЛОЕВИЧ

**ОРНИТОФАУНА АГРОЛАНДШАФТА СЕВЕРО-ВОСТОЧНОГО
УЗБЕКИСТАНА**

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.3.PhD/В19.

Диссертация выполнена в Институте зоологии Ан РУз.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.zoology.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Кашкаров Роман Данилович кандидат биологических наук, старший научный сотрудник
Официальные оппоненты:	Холбоев Фахриддин Рахмонкулович доктор биологических наук, профессор Медетов Махсетбай Жапакович доктор биологических наук, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	Ташкентский Государственный Педагогический университет

Защита диссертации состоится «13» сентября 2022 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.В.52.01 при Институте зоологии (Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232^б. Актовый зал Института зоологии. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института зоологии (зарегистрировано за № 45). Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232^б. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60.

Автореферат диссертации разослан «29» августа 2022 года.

(реестр протокола рассылки № 3 от «29» августа 2022 года)

Б.Р.Холматов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.б.н., профессор

Г.С.Мирзаева
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.б.н., старший научный сотрудник

А.Э.Кучбоев
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (Phd))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире за счет расширения площади сельскохозяйственных угодий произошло резкое сокращение площади природных ландшафтов. Особенно, увеличивается с каждым годом присутствие в агроценозах различных видов орнитофауны и их негативное влияние на сельскохозяйственные культуры. Соответственно, вопросы смягчения воздействий птиц-вредителей на сельское хозяйство, привлечения в агроценозы «полезных» видов птиц, разработки мероприятий по охране редких и исчезающих видов имеют важное научное значение.

В мире проводятся научные исследования по сохранению разнообразия диких животных, восстановлению популяций исчезающих видов, разработке методов рационального использования экономически значимых животных. В связи с этим, особое внимание уделяется исследованию широко распространенной и многовидовой группы позвоночных животных – птицам, их распространению, путям миграций, оценке современного состояния, динамике численности популяций, разработке методов эффективного использования каждого вида с применением современных цифровых технологий.

В республике особое внимание уделяется ведению кадастра животного мира, сохранению и восстановлению популяций редких видов, рациональному использованию видов. В связи с этим в целях сохранения видового разнообразия расширена площадь охраняемых природных территорий, в том числе выделены Важнейшие орнитологические территории регионального и международного значения. В частности, в Стратегии по сохранению биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019-2028 годы² определены задачи «... обеспечения сохранения и устойчивого использования биологического разнообразия, развития и расширения охраняемых природных территорий, осуществления комплекса мер по снижению темпов деградации естественных экологических систем, восстановления редких и исчезающих видов животных и растений». Исходя из этих задач, важное научное и практическое значение имеет определение видового состава орнитофауны агроландшафта северо-восточного Узбекистана, изучение ее современного состояния, выявление особенностей адаптации видов к освоенным землям, определение их численности, различных неблагоприятных воздействий и возможных путей смягчения их влияния.

Настоящее исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Законом Республики Узбекистан от 19 сентября 2016 года «Об охране и использовании животного мира», Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-3256 «О мерах по организации

² Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №484 «Об утверждении Стратегии по сохранению биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019-2028 годы» от 11 июня 2019 года.

деятельности Института ботаники и Института зоологии Академии наук Республики Узбекистан» от 4 сентября 2017 года, Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №ПКМ-914 «О ведении государственного учета, учета объемов использования и государственного кадастра объектов животного и растительного мира» от 7 ноября 2018 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятым в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Исследования видового состава, биологии, экологии и значения орнитофауны освоенных регионов и агроландшафта проводились такими зарубежными учеными, как R.S. Bailey (1967), K. Williamson (1967), J. Peitzmeier (1969), Л.Д. Альба (1975), С. Crabb, L. Martin (1978), L. Schifferli (1981), В.Т. Бутьев (1983), В.И. Миронов (1992), И.В. Аськеев (1998), В.А. Коровин (2004), Т.В. Свиридова и др. (2006), В.А. Коровин (2014).

В странах СНГ обширные исследования фауны, экологии, значения и охраны птиц проводили Н.А. Гладков (1938), А.К. Рустамов (1954, 1969, 1980), И.М. Ганя (1965), В.В. Неручев (1972), А.П. Гисцов (1976), Э.И. Гаврилов, А.П. Гисцов (1985), К.Н. Благосклонов (1991), А.Ф. Ковшарь (1966, 2002, 2019), А.Ф. Ковшарь, Е.С. Чаликова (1992), В.А. Ковшарь (2002, 2003).

В нашей стране первые исследования видового состава орнитофауны природных территорий были начаты во второй половине XIX столетия Н.А. Северцовым (1873), Н.А. Смирновым (1883), Т. Pleske (1888) и продолжены в первой половине XX столетия N. Loudon (1909), Н.А. Зарудным (1910, 1911), Д.Н. Кашкаровым (1923).

